

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВ САРДОРБЕК БАҲОДИРОВИЧ**

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.11. – Парламент ҳуқуқи

**юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract**

**Юсупов Сардорбек Баходирович**

Давлат бюджети устидан парламент назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.. .....3

**Yusupov Sardorbek Bakhodirovich**

Improving the organizational and legal foundations of parliamentary control over the state budget.....33

**Юсупов Сардорбек Баходирович**

Совершенствование организационно-правовых основ парламентского контроля над государственным бюджетом.....59

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....64

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВ САРДОРБЕК БАҲОДИРОВИЧ**

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.11. – Парламент ҳукуқи

**юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Yu163 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус, (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Хакимов Рахим Расулжонович,**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Турсунов Ахтам Саломович,**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Кутибаева Елизавета Дуйсенбаевна,**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Якубов Шухрат Умматалиевич,**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Ётақчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик  
муаммолари ва парламент  
тадқиқотлари институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Ҳи.22.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил 28 апрель соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1044-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2022 йил «14» апрелда тарқатилди.

(2022 йил «14» апрелдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

**И.Р. Беков**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

**Б.А. Наримонов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

**Ш.А. Сайдуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси ўринбосари, юридик фанлар номзоди, профессор

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи тамойилини миллий парламент фаолиятига тўлиқ жорий қилиш, парламентнинг бюджетни шакллантириш ва сарфланиши устидан шаффоф ҳамда рақамли технологияларга асосланган назоратини таъминлаш масаласи долзарб ҳисобланади. Кучли парламент назорати мавжудлиги халқаро ҳамжамият томонидан мамлакат тараққиётининг муҳим шarti эканлиги эътироф этилмоқда. 2018 йил 22 майда БМТ Бош Ассамблеясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти миллий парламентлар ва парламентлараро иттифоқ ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги 72/278-сон резолюциясида “миллий режалар ва стратегияларни амалга ошириш, шунингдек миллий ва глобал миқёсда шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаш бўйича миллий парламентларнинг роли алоҳида эътироф этилган”<sup>1</sup>. Ушбу халқаро ҳужжат асосида парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, парламент фаолиятида шаффофлик ва очиқликни таъминлаш, парламент назоратининг замонавий услубларини самарали қўллаш бўйича давлатларга услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Жаҳонда парламентнинг давлат бюджети ижроси устидан назорат функцияларини белгилаш самардорлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқлаш, парламентнинг назорат фаолияти кафолатларини таъминлаш, ҳукуматнинг бюджет ижроси ва уни ҳар томонлама самарали сарфланиши бўйича парламент олдидаги жавобгарлиги, ушбу соҳага рақамли технологияларни жорий қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан илмий тадқиқотлар ўтказиш долзарб амалий аҳамиятга эгадир. Жумладан, парламентнинг умумдавлат манфаатларини таъминлаш, халқ вакиллик органи сифатидаги ролини кучайтириш, парламент назорати субъекти сифатида депутатларининг фаоллигини ошириш каби масалаларнинг ҳуқуқий, ташкилий жиҳатларини такомиллаштириш муҳим тадқиқот йўналиши сифатида ўрганилмоқда.

Мамлакатимизда олий давлат вакиллик органи сифатида парламент фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштириш, “электрон парламент” доирасида депутатларни ўз сайловчилари билан, сенаторларни ҳудудлардаги фуқаролар билан боғлаш, улар билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш, сайловчиларни қийнаётган муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш жараёнини рақамлаштириш, парламент назоратини амалга оширишда шаффофлик ва очиқликни таъминлаш, айниқса, давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқишда депутатларнинг фаол иштирокини таъминлаш соҳасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. “Давлат бюджетини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш доирасида парламент томонидан масъул ташкилотларга аниқ стратегик вазибаларни қўйиш ва натижага қараб уларга сўров юбориш амалиётини жорий

---

<sup>1</sup> 2018 йил 22 майда БМТ Бош Ассамблеясининг Бирлашган Миллатлар ташкилоти миллий парламентлар ва парламентлараро иттифоқ ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги 72/278-сон резолюцияси // URL: <https://www.un.org>

қилиш”<sup>2</sup> масалалари Олий Мажлис палаталарининг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг ички ва ташқи сиёсатга оид муҳим вазифаларни ҳал этишдаги ваколатларини кенгайтириш устувор вазифа этиб белгиланган бўлиб, мазкур вазифалар ушбу соҳадаги қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни долзарб этиб белгиламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги (2002), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги (2002) конституциявий қонунларда, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги (2004), “Парламент назорати тўғрисида”ги (2016) қонунлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сонли Фармони ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросига ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Давлат бюджети устидан парламент назоратига оид илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Boston University, University of Cambridge, Harvard University, Washington University, New York University, The University of Chicago, (АҚШ), Humboldt-Universität zu Berlin, München Universität, Frankfurt Universität (ГФР), University of Queensland (Австралия), University of Oxford, Newcastle University, Queen Mary University of London, University of Cambridge (Буюк Британия), Université Toulouse (Франция), University of Toronto (Канада), Seoul National University (Корея Республикаси), University of Zurich (Швейцария), Peking University (Хитой), Москва давлат юридик университети, Москва давлат университети, Москва давлат халқаро муносабатлар институти (Россия), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Тошкент давлат юридик университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

<sup>3</sup> Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: bu.edu.; cam.ac.uk; www.law.stanford.edu, www.bc.edu, <https://law.ucla.edu>, <https://www.nyu.edu>, <https://www.uchicago.edu>, <https://www.harvard.edu>, www.law.wustl.edu, <https://www.ncl.ac.uk>, <https://commonslibrary.parliament.uk>, <https://www.ox.ac.uk>, <https://www.cam.ac.uk>, <https://www.qmul.ac.uk>, <https://www.uni-frankfurt.de>, <https://www.lmu.de>, www.pantheonsorbonne.fr, <https://utoronto.ca>, <https://www.griffith.edu.au>, <https://en.uj.edu.pl>, <https://www.msu.ru>; www.snu.ac.kr; www.uzh.ch; www.pku.edu.cn; <https://mgimo.ru>, <https://msal.ru>. www.tsul.uz

Парламентнинг назорат функциялари, бюджет устидан давлат ва жамоатчилик назорати, давлат бюджети устидан парламент назорати бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий-назарий натижалар олинган, жумладан:

парламент назорати ва парламентнинг молиявий назорати тушунчавий аппарати Boston University, University of Cambridge олимлари томонидан чуқур тадқиқ этилган;

парламентнинг бюджет устидан назорат методлари Harvard University, Washington University, New York University, The University of Chicago олимлари ва тадқиқотчилари томонидан мукамал ишлаб чиқилган;

бюджет устидан парламент назоратининг қонунчилик асосларига, мазкур фаолиятнинг регламентини тартибга солишга Humboldt-Universität zu Berlin, München Universität, Frankfurt Universität олимлари катта эътибор қаратишган;

бюджет устидан парламент назоратининг замонавий тенденцияларини австралиялик University of Queensland олимлари очиб берган;

парламент назорати, шу жумладан молиявий назоратнинг методологик асослари юзасидан University of Oxford, Newcastle University ҳамда Москва давлат университети олимлари қатор йирик тадқиқотлар олиб борган;

давлат бюджети устидан парламент назорати фаолиятида прецедент ҳуқуқидан фойдаланиш масалаларини Англиянинг Queen Mary University of London, University of Cambridge профессор-ўқитувчилари ўз мақолаларида батафсил ёритган;

парламент ва назорат-тафтиш органлари ўртасида муносабатлар, шу жумладан парламентнинг молиявий назоратида ҳисоб палаталари имкониятларидан кенг фойдаланиш муаммолари бўйича Франциянинг Université Toulouse ва Канаданинг University of Toronto тадқиқотчилари муваффақиятли изланишлар олиб борган;

давлат бюджети устидан парламент назоратининг илмий-назарий масалалари Корея Республикасининг Seoul National University, Швейцариянинг University of Zurich ва Россиянинг Москва давлат юридик университети олимлари томонидан ўрганилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда ҳуқуқшунослик фани доирасида парламентнинг назорат функциясини кучайтиришга бағишланган турли изланишлар олиб борилган. Шунингдек, мазкур соҳага оид изланишлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаяпти. Ушбу мавзуда амалга оширилган илмий изланишларни бир неча йўналишларга таснифлаб чиқиш мумкин.

Биринчи йўналиш: парламент назоратининг назарий-ҳуқуқий асосларига оид масалалар А.Х.Саидов, О.Т.Хусанов, Ҳ.Т.Одилқориев, Е.Д.Кутибаева, И.Р.Беков каби ўзбек ҳуқуқшунослари ҳамда С.А.Авакьян, А.С.Автономов, А.Д.Керимов, Е.В.Ковряков, А.Вогданди, Н.Папьер каби чет эллик тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида акс этган.

Иккинчи йўналиш: бюджет назоратининг умумий тавсифи ва унинг ҳуқуқий асослари масаласи Р.Р.Ҳакимов, М.М.Миракулов, Ш.Х.Зулфиқоров, О.К.Турғунов, С.Пинелли, А.Сярофф, В.Стефани, Schneider von Н.Р., Zeh W.,

Л.В.Акопов, М.В.Баглай, А.А.Безуглов, И.М.Степанов, Б.А.Страшун, М.М.Утяшевларнинг илмий тадқиқотларида келтириб ўтилган.

Учинчи йўналиш: парламент томонидан бюджет назоратини амалга оширишнинг шакл ва усуллари Э.Х.Халилов, И.Т.Тулътеев, Ш.У.Якубов, Х.С.Хайитов, L.Fisher, A.Cox, P.Currie, N.Jackson, E.Goldeband, B.Seloc, J.D.Aberbach, Н.Д.Погосян, М.Ю.Михеева ва Д.Н.Усатовларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган<sup>4</sup>.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятига оид масалалар қисман таҳлил этилган бўлсада, давлат бюджети устидан парламент назорати, шу жумладан парламент томонидан амалга ошириладиган молиявий назоратнинг илмий-назарий ва методологик асослари, давлат бюджети устидан парламент назоратининг шаклланиши ва ривожланиш тенденциялари, хорижий мамлакатлар парламентларининг мазкур соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот мавзуси Тошкент давлат юридик университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида давлат бошқарувини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017–2021 йй.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** давлат бюджети устидан парламент назоратини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

парламент назорати тушунчаси, мазмуни ва моҳияти юзасидан муаллифлик позициясини ишлаб чиқиш ҳамда парламент томонидан амалга ошириладиган молиявий назоратнинг илмий-назарий ва методологик асосларини таҳлил қилиш;

давлат бюджети устидан парламент назорати ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланиш тенденцияларини тадқиқ қилиш;

давлат бюджети устидан парламент назоратининг ҳуқуқий асослари таҳлили асосида мазкур асосларни гуруҳлаштириш ва тавсифлаш;

парламентнинг давлат бюджети устидан назорат фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

давлат бюджети устидан парламент назоратининг объекти ва субъектларини белгилаб олиш, унинг ҳуқуқий асосларини таҳлил этиш;

давлат бюджети устидан парламент назоратининг халқаро ҳуқуқий асосларини, Европа мамлакатлари, АҚШ ва Канада парламентларининг амалиётида бюджетни назорат қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

давлат бюджети лойиҳасини парламент томонидан муҳокама қилиш ва қабул қилиш механизмини ҳуқуқий таҳлил этиш;

---

<sup>4</sup> Мазкур илмий ишларнинг тўлиқ номи фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

давлат бюджети устидан парламент назорати соҳасидаги мавжуд муаммолар таҳлили асосида мазкур фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети устидан парламент назоратини ташкил қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети устидан парламент назоратини ташкил қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда “Парламент ҳуқуқи” ва “Конституциявий ҳуқуқ”да мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда илмий билишнинг тизимли ва функционал таҳлил, тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, статистик, социологик сўровлар ўтказиш, индуктив ва дедуктив таҳлил каби усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

Республика бюджетининг қўшимча манбалари ва йил бошига қолдиқ маблағлари тегишли равишда улар умумий харажатларининг 3 фоизидан ошмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ фойдаланилиши ҳамда фойдаланилган маблағлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ҳар чоракда ҳисобот тақдим этилиши зарурлиги асосланган;

Ўзбекистон Республикаси Сенатини давлат бюджети устидан парламент назоратини бевосита амалга оширувчи ваколатли субъект эканлигини асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатли вакили томонидан давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни бир вақтни ўзида Олий Мажлиснинг ҳар иккала палаталарига тақдим этиши зарурлиги асосланган;

фракциялар ва Олий Мажлис палаталарининг қўмиталари Давлат бюджетининг даромад қисми ижроси, ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиш ҳолати ҳамда уларнинг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши ҳақидаги маълумотларни тегишли давлат органларидан қўшимча ахборот тариқасида талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга эканлиги асослаб берилган;

давлат бюджетининг ҳар чоракдаги ва йиллик ҳисоботи ижросини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилиш, ушбу муҳокамаларда сенаторларнинг фикрлари ва таклифларини эшитиш механизмларини жорий қилиш зарурлиги асосланган;

давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот фракцияларда, Олий Мажлис палаталарининг қўмиталарида муҳокама қилинганидан кейин Сенатнинг қарори билан тасдиқланиши зарурлиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

парламент назоратига оид тушунчавий аппарат, унинг ўзига хос хусусиятлари, давлат назорати тизимида тутган ўрни ва аҳамияти тавсифлаб берилди;

юридик фан нуқтаи назаридан парламент молиявий назоратининг сиёсий тизимдаги роли ва мазмун-моҳияти аниқлаштирилди;

парламентнинг Давлат бюджети устидан назоратнинг ва уни амалга ошириш механизмнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари таҳлил этилиб, ушбу илмий категорияларнинг муаллифлик тавсиф ва таърифи шакллантирилди;

мамлакатда Давлат бюджети, унинг ижроси устидан парламент назорати шаклланиши ва ривожланишининг босқичлари, тенденциялари, ҳуқуқий асослари, уларнинг такомиллашув динамикаси тизимли таҳлил этилиб, уларнинг умумий, фарқли ва ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб берилди;

Давлат бюджети ва унинг ижроси устидан парламент назорати соҳасида мавжуд муаммолар, тўсиқлар ва ҳал этилиши лозим бўлган устувор масалалар аниқлаштирилиб ҳамда таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

хорижий тажрибани таҳлил этиш асносида илғор демократик мамлакатлар қонунчилигидаги нормаларни ҳамда соҳага оид халқаро стандартларни миллий қонунчилигимизга ва ҳуқуқни қўллаш амалиётимизга имплементация қилиш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар асослантирилди;

давлат бюджети ижроси устидан парламент назорати ва бошқа давлат назорат органлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ўртасидаги муносабатлар табиати, механизми ва ҳамкорлик истиқболлари белгилаб берилди;

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунларга, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Регламенти тўғрисида”ги қонунларга, Олий Мажлис палаталари қарорлари билан тасдиқланган регламентларга, бошқа қонунларга Давлат бюджети ва унинг ижроси устидан парламент назорати ҳамда парламентнинг мониторингига оид ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот якунида ўз аксини топган умумназарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар “Конституциявий ҳуқуқ”, “Парламент ҳуқуқи”, “Молия ҳуқуқи” фанларида мавжуд бўлган назарий қарашларни ва миллий қонунчилик нормаларини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали асослантирилди.

Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Тадқиқотнинг хулоса, таклиф ва тавсиялари апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинди. Тадқиқот олиб бориш жараёнида билдирилган айрим таклифлар

амалиётга жорий этилган ва бу тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ҳамда тавсиялардан келгусида илмий-назарий ва илмий-амалий тадқиқотлар фаолиятида, қонун ижодкорлигида, соҳага доир миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва шарҳлашда, давлат бюджети устидан парламент назоратининг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантиришга доир илмий-назарий, методологик қарашлар ва ёндашувларни янада бойитишда, шунингдек “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Парламент ҳуқуқи”, “Маъмурий ҳуқуқ”, “Молия ҳуқуқи” фанларини илмий-назарий, амалий жиҳатдан янада бойитишда, ушбу фанлардан маъруза, мунозара ва амалий машғулотларда, дарслик, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлигида ифодаланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти унда давлат бюджети устидан парламент назоратини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан қатор амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганида кўринади. Шу билан бирга, диссертация натижаларидан парламентнинг назорат фаолиятида ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида, парламент ва молиявий назорат органлари ўртасидаги муносабатларда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертация иши бўйича олинган илмий натижалар қуйидагиларда фойдаланилган:

Республика бюджетининг қўшимча манбалари ва йил бошига қолдиқ маблағлари тегишли равишда улар умумий харажатларининг 3 фоизидан ошмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ фойдаланилиши ҳамда фойдаланилган маблағлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ҳар чоракда ҳисобот тақдим этилиши зарурлиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси 126-моддасининг тўртинчи қисмини янги таҳрирда тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2021 йил 21 октябрдаги 05/1-01-173-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инobatга олиниши давлат бюджетининг ижросини таъминлашда парламент назоратини кучайтиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати давлат бюджетининг ижроси устидан бевосита парламент назоратини амалга оширувчи субъект эканлигининг ҳуқуқий асосларини жорий қилиш ҳақидаги таклиф «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси биринчи бандини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2021 йил 21 октябрдаги 05/1-01-173-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инobatга олиниши давлат бюджети ижроси устидан назоратни амалга оширишда парламентнинг юқори палатаси иштирокини таъминлашга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатли вакили томонидан давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни бир вақтни ўзида Олий Мажлиснинг ҳар иккала палаталарига тақдим этиши зарурлиги ҳақидаги таклиф «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24.1-моддасини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2021 йил 21 октябрдаги 05/1-01-173-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инobatга олиниши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси билан бир қаторда Сенатга ҳам қўмаклашишига хизмат қилган;

фракциялар, Олий Мажлис палаталарининг қўмиталари Давлат бюджетининг даромад қисми ижроси хусусида, ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиш ҳолати тўғрисида тегишли органлардан қўшимча ахборотни шунингдек, уларнинг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиши мумкинлиги ҳақидаги таклиф «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси бешинчи бандини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2021 йил 21 октябрдаги 05/1-01-173-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инobatга олиниши давлат бюджетининг ижросини таъминлашда парламент аъзоларига қўшимча маълумотлар тақдим этиш ҳуқуқини беришга хизмат қилган;

давлат бюджетининг ҳар чорақдаги ва йиллик ҳисоботи ижросини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилиш, ушбу муҳокамаларда сенаторларнинг фикрлари ва таклифларини эшитиш механизмларини жорий қилиш зарурлиги ҳақидаги таклифлар «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси иккинчи бандини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2021 йил 21 октябрдаги 05/1-01-173-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инobatга олиниши давлат бюджетининг ҳар чорақдаги ижросининг боришини кўриб чиқиш чоғида парламентнинг юқори палатаси иштирокини таъминлашга хизмат қилган;

давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот фракцияларда, Олий Мажлис палаталарининг қўмиталарида муҳокама қилинганидан кейин Сенатнинг қарори билан тасдиқланиши ҳақидаги таклиф «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси 6-бандини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2021 йил 21

октябрдаги 05/1-01-173-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инobatга олиниши давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот парламентнинг қуйи палатаси билан бир қаторда юқори палатасининг қарори билан тасдиқланишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур диссертация натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, 17 та илмий мақола (4 та халқаро нашрларда), 1 та монография чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 224 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослантилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети ёритилган, шунингдек республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асослантилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан алоқадорлиги, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Давлат бюджети устидан парламент назоратининг моҳияти, аҳамияти ва методологик асослари”** деб номланиб, парламент фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлган давлат бюджети устидан назорат тушунчаси, унинг илмий-назарий ва методологик асослари, шунингдек шаклланиши ва ривожланиш тенденциялари мамлакатимиз ҳамда хорижий олимлар томонидан илгари сурилган концептуал ёндашувлар асосида илмий таҳлил этилган.

Диссертант томонидан Р.Ҳақимов, Б.Адуичева ва Ш.Зулфиқоров каби олимлар томонидан билдирилган парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва роли ҳақидаги фикрлар таҳлил қилиниб, назорат функцияси парламентаризм қарор топишининг асосий кафолати сифатидаги қарашлар илгари сурилган.

Парламент назорати феноменига оид илмий-назарий қарашлар доирасида Академик А.Саидов, ҳуқуқшунослар М.Миракулов, Т.Хабриева, А.Д.Керимов, М.М.Утяшев, А.А.Корнилаева каби олимларнинг ишларини тадқиқ этган диссертант парламент назоратининг асосий объекти ижро ҳокимиятининг фаолияти саналишидан келиб чиқиб, парламент назоратининг асосий эътибори (яъни предмети), авваламбор, ҳуқумат, кейинчалик эса ижро этувчи бошқа органларнинг давлат бюджети ижросининг **самарадорлигига** қаратилиши лозим

ва бундай ёндашув замонавий парламентаризм тенденцияларига тўғри келиши тўғрисида хулосага келган.

Парламент назоратининг асосий йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкинлиги асослаб берилди:

конституция ва қонунлар, парламент қарорлари ҳамда давлат раҳбари қарорлари юзасидан;

давлат дастурларини ижро этиш юзасидан;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш бўйича;

мудофаа ва хавфсизлик бўйича; давлат бюджети ижроси юзасидан;

давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларини шакллантириш юзасидан;

ташқи сиёсий фаолият юзасидан назорат.

Тадқиқотчи давлат бюджети устидан парламент назорати институтининг илмий-назарий асосларини батафсил таҳлил қилиш заруратини ҳозирда ўта долзарб аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиб, ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси асосида ҳукумат ва ижро этувчи бошқа органларнинг давлат бюджети ижросининг *самарадорлик даражасини парламент томонидан баҳоловчи кўрсаткичи сифатида 5 та асосий мезонни ажратиб кўрсатади.*

Диссертант парламент назоратининг суд ва маъмурий назоратдан аниқ фарқларини қуйидаги хусусиятларга кўра ажратиб кўрсатади: 1) парламент назорати субъектлари фақатгина қонун чиқарувчи ҳокимият органлари ва аъзолари ҳисобланади; 2) парламент назорати объектини давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Конституция ва қонунларни, Олий Мажлиси палаталарининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти; 3) парламент томонидан ижро ҳокимияти органлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг тўлиқ ижро этилиши ва улар фаолиятида қонунийликка амал қилишини назорат қилишга қаратилган фаолият; 4) назорат натижасида қонунлар ижросига тўсик бўлган ҳолатларни аниқловчи ва уларни бартараф этувчи комплекс чоратадбирлар орқали доимий амалга ошириладиган фаолият; 5) парламент назорати шакллари қонунда аниқ белгилаб қўйилган; 6) парламент назорати субъектлари ўз ваколатлари доирасида парламент назорати натижалари бўйича сиёсий жавобгарлик ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Диссертант фикрича, давлат бюджети – давлатнинг муайян вақт учун мўлжалланган пул даромадлари ва харажатлари йиғиндиси ҳисобланади ҳамда мамлакат молия тизимининг таркибий қисмидан иборат бўлиб, шунга мос равишда у молия тизимига тегишли бўлган барча белги (хусусият)ларга эга ва унга тегишли бўлган барча функцияларни бажаради.

Парламент назоратининг объектлари борасида Е.В.Ковряков, Д.Кейнс каби ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари таҳлил қилиниб, парламент назорати объекти чегараси бўйича илмий хулоса тақдим этилган. Унга кўра, диссертант бирламчи объект – давлат ҳокимияти ижро органлари фаолияти, иккиламчи объект – асосий улуши давлатга тегишли бўлган ташкилотлар деган таснифни келтиради.

Диссертант молиявий назоратни амалга оширувчи субъектларга кўра, уни қуйидаги турларга таснифлайди: умумдавлат молиявий назорати; идоравий

молиявий назорат; хўжалик ичидаги молиявий назорат; жамоатчилик молиявий назорати; мустақил молиявий назорат.

Тадқиқотчи фикрига кўра, олий вакиллик органи ижро ҳокимияти органларининг молиявий фаолиятини назорат қилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган ҳокимиятни тақсимланиш принципининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланиб, мазкур назорат республика ва маҳаллий бюджетларни, давлат мақсадли бюджетдан ташқари фондларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилишда ҳамда уларнинг ижроси ҳақида ҳисоботларни тасдиқлашда амалга оширилади.

Тадқиқотчи давлат молиявий назоратининг асосий мақсадлари бўйича В.Герасимов ва З.Ахмедова илмий қарашларини ўрганиб, парламентнинг молиявий назорати ҳуқуқий табиатини очиб бериш, унинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш учун давлат молиявий назорат фаолияти мақсадларини ўрганиш етарли эмаслиги сабабли, биринчидан, парламентнинг молиявий назорати молия соҳасида ягона давлат назоратининг бир қисми эканлигини эътироф этиш ва, иккинчидан, парламент томонидан амалга ошириладиган молиявий назоратнинг илмий-назарий ва методологик асослари, ўзига хос хусусиятлари, унинг ушбу соҳадаги бошқа назорат турларидан фарқларини тадқиқ этиш лозим деган хулосага келади.

Диссертант фикрича, Парламентнинг молиявий назорати, авваламбор, давлат бюджетининг ижроси устидан назорат бўлиб, у давлат молиявий назоратининг бошқа соҳаларидан (масалан, солиқ, валюта) қуйидаги параметрлар билан фарқ қилади: биринчидан, объекти бўйича, иккинчидан, назорат қилувчи органлар ва бошқариладиган шахслар – субъектлар таркиби бўйича.

М.Михеева, Л.Н.Овсянниковнинг парламентнинг молиявий назорати давлат молиявий назоратидан фарқи бўйича илмий ёндашувларини тадқиқ қилган ҳолда парламентнинг молия соҳасидаги назорат фаолиятининг асосий мақсади молия тизими барқарорлигини таъминлаш, давлат бюджети харажатларини иқтисод қилиш, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳисобланади, деган илмий хулоса билдирилган.

Молия соҳасидаги парламент назоратининг принциплари парламент томонидан амалга ошириладиган назоратнинг ҳаракат доираси ва мезонини белгилаб беради, деган фикр илгари сурилган. Хорижий тажриба таҳлили асосида Европа парламенти томонидан парламент назоратининг тўртта умумий принципига асосланган ҳолда иш юритиши ажратиб кўрсатилади: давлат ҳокимияти органлари ўртасида мувозанат ва ўзаро бир-бирини тийиб туриш; шаффофлик; сайловчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва ҳисобдорлик.

Тадқиқотчи Ўзбекистон Республикасининг “Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонунида Ҳисоб палатаси фаолиятининг асосий принципларини таҳлил қилиш асносида Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунида парламентнинг давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш фаолиятининг принципларини белгилаш мақсадга мувофиқ деган хулосага келади.

Муаллиф парламент томонидан амалга ошириладиган молиявий назоратнинг илмий-методологик асосларини урта қисмга ажратиб кўрсатади:

**биринчидан**, парламент молиявий назоратининг предмети – давлат бюджетини тасарруф этиш бўйича ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти ҳисобланади;

**иккинчидан**, Давлат бюджети устидан парламент назорати – парламент томонидан ижро ҳокимияти органлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан молия соҳасидаги қонунларнинг тўлиқ ижро этилиши ва улар фаолиятида қонунийликка амал қилишини назорат қилишга қаратилган комплекс чоратадбирлар орқали доимий амалга ошириладиган назорат ҳисобланади;

**учинчидан**, ҳар бир замонавий демократик давлатда парламент молиявий назоратини ҳуқуқий тартибга солиш конституциявий қонунчиликнинг муҳим қисмидир.

Диссертант фикрича, Давлат бюджети устидан парламент назоратининг ҳуқуқий асосларини шаклланишини тадқиқ этиш, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ташкил этилиши ва ривожланиши ҳамда давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва ролини, назорат функциясининг кенгайиб бориш жараёнларини назарий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганишни тақозо этади.

Тадқиқотчи мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ҳозирги вақтгача давлат бюджети устидан парламент назорати ҳуқуқий асосларнинг шаклланиши ва амалга оширилган ислохотларнинг тадрижийлиги эволюциясини назарий-ҳуқуқий жиҳатдан шартли равишда уч босқичга бўлиб ўрганишни тавсия этади.

**Биринчи босқич** (1991–2002 йиллар). Мазкур босқичда давлат бюджети устидан парламент назорати ҳуқуқий асосларининг шаклланиши икки палатали парламентнинг шаклланиши билан бевосита боғлиқликда ривожланганлиги билан характерланади.

**Иккинчи босқич** (2002–2016 йиллар). 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий Қонунининг қабул қилиниши билан икки палатадан иборат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ташкил этилиши парламент ва давлат ҳокимияти органлари муносабатлари, хусусан, парламентнинг назорат функцияси такомиллашуви билан боғлиқдир.

**Учинчи босқич** (2016 йилдан ҳозирги вақтга қадар). Мазкур босқич парламент фаолиятида унинг назорат функцияларини янги босқичга олиб чиқди. Маълумки, парламентнинг назорат функциялари ва ваколатларини кенгайтиришдан асосий мақсад демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтиришга қаратилган “2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” доирасида амалга оширилган ислохотларда сўнгги йилларда давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг назорат функцияларини такомиллаштириш бўйича тегишли чоралар кўрилди ва парламент назоратини такомиллаштиришга бағишланган қоидалар махсус қонун ҳужжатларида тартибга солинди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Парламентнинг бюджет назорати фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари: илмий-назарий таҳлил**” деб номланиб, унда давлат бюджети устидан парламент назоратининг объекти,

субъекти, унинг ҳуқуқий асослари таҳлили, мазкур фаолиятни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Диссертант қонун чиқарувчи органнинг ҳуқуқий табиати, унинг қонунийликни таъминлашдаги роли ҳамда давлат ҳокимияти тизимидаги ўрнига асосланган ҳолда парламентнинг назорат ташкилий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилади. Парламентнинг назорат функциясини қонун ижодкорлиги ва вакиллик функциялари билан бирга изчил амалга ошириш муҳимлигини қайд этади.

Тадқиқотчи давлат бюджети устидан парламент назоратига оид илмий-назарий қарашлар ва қонунчилик асосларини таҳлил қилган ҳолда давлат бюджети устидан парламент назоратига оид қонун ҳужжатларини *уч гуруҳга* бўлишни тавсия этади. Бунда *биринчи гуруҳ* – Давлат бюджети устидан парламент назоратининг конституциявий нормалари, *иккинчи гуруҳ* – Давлат бюджети устидан парламент назоратини амалга оширишнинг қонунчилик нормалари ва *учинчи гуруҳ* – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари қарорлари билан тасдиқланган регламентларни киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Т.Проссер, Уейд ва Филипнинг давлат бюджети устидан парламент назоратининг ҳуқуқий асосларига оид илмий қарашларини таҳлил қилиб, тадқиқотчи жамоатчилик томонидан амалга ошириладиган молиявий назоратни асосий конституциявий тамойил сифатида парламент назоратининг муҳим манбаси бўлиб хизмат қилиши керак деган фикрни илгари суради.

Давлат бюджети устидан парламент назоратини ташкил этиш бўйича Л.Франк, В.Бетменнинг илмий тадқиқотларини таҳлил қилган ҳолда парламент бюджет устидан асосий институционал позицияни эгаллаши, бюджет қонунчилиги бюджет устидан парламент назоратини амалга ошириш тартиботи қатъий белгиланган бўлиши, иқтисодий ғавқулда вазиятларда парламентнинг бюджет устидан назоратини аниқ тартиботлари бўлиши, парламентнинг асосий молиявий ваколатларини амалга оширишнинг самарали механизми бўлиши кераклиги ҳақидаги илмий қараш илгари сурилади.

Диссертант фикрича, парламентнинг давлат бюджети устидан асосий институционал позицияни эгаллаш шарти режалаштириш (*planning*), қонунчилик (*legislative*) ва вақтинчалик (*temporal*) каби жиҳатларни ўз ичига олади. Буларнинг ҳар бири парламентнинг устуворлигини молиявий ўзини ўзи бошқариш институти сифатида тан олади.

Муаллиф кўплаб доктринал қарашлардан келиб чиқиб, Конституция Ҳисоб палатасининг вазифаларини тўлиқ тавсифламайди ва унинг конституциявий ҳуқуқий мақомини кенгайтириш керак деган илмий қарашни илгари суради.

Тадқиқотчи томонидан, давлат бюджети устидан парламент назоратини ташкил этишнинг муҳим шарти ғавқулда вазиятларда молиявий оқибатларини қонуний тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, кўплаб давлатларда COVID-19 пандемиясининг дастлабки босқичларида давлат бюджети устидан парламент назорати бир неча жабҳаларда муаммога дуч келди. Биринчидан, қонун чиқарувчи органларга соғлиқ ва хавфсизлик муаммолари таҳдид қилди. Иккинчидан, ҳукуматлар қонун чиқарувчилардан бюджетни

янгидан кўриб чиқишни сўради. Натижада, мослашувчан парламент назоратига эҳтиёж сезилди.

Муаллиф Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти тавсияларига асосан, “Парламент ва унинг кўмиталари бюджет жараёнининг барча асосий босқичларида иштирок этиш ваколатига эга бўлиши лозим” деган принципни амалга оширишни тавсия қилади.

Диссертант давлат бюджети устидан парламент молиявий назоратининг фарқли жиҳатларига оид бир қатор тадқиқот ишларни, жумладан, В.Бетмет, А.Хорн, Л.А.Дробозина, А.Н.Козирин ва бошқаларнинг назарий фикрларини таҳлил қилган ҳолда ҳар қандай давлатнинг энг муҳим вазифаси мамлакатнинг молиявий ресурсларини бошқариш ҳисобланиб, молия – бу “давлатнинг вазифалари ва уларни бажариш ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун шарт-шароитларни таъминлаш учун марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва ишлатиш билан боғлиқ пул муносабатларини ифодалайди”, деган илмий ғояни илгари суради.

Мамлакатнинг молиявий тизими давлат молиявий ресурсларини ҳам, нодавлат ресурсларини ҳам ўз ичига олади. Молия тизими куйидагиларга нисбатан мустақил бўғинлардан иборат: бюджет маблағлари; бюджетдан ташқари маблағлар; давлат ва муниципал кредитлар; суғурта фондлари; корхона ва ташкилотларни молиялаштириш.

Тадқиқотчи фикрича, *молиявий назоратнинг мақсади – жамиятнинг барча соҳаларида ва бўғинларида молиявий ва моддий ресурсларнинг шаклланиши ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича давлат функцияларини муваффақиятли амалга ошириш ҳисобланади.*

Парламентнинг молиявий назорати объектларини куйидагича таснифлашни мақсадга мувофиқ деган хулосага келинди:

*биринчидан*, давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимият органлари томонидан бюджет маблағларидан фойдаланиш жараёнида у ёки бу хатти-ҳаракатларнинг натижалари, оқибатлари;

*иккинчидан*, пул, солиқ, йиғим, субсидия, субвенция, жарималар, қарзлар, пеня ва давлат қарзи кўринишида аниқланиши мумкин бўлган баъзи моддий манфаатлар;

*учинчидан*, бюджет лойиҳалари, бюджетдан ташқари жамғармалар, молиявий ва бухгалтерия ҳужжатлари.

Диссертация ишида давлат молиявий назорати тўғридан-тўғри ва билвоситага таснифланиб, тўғридан-тўғри молиявий назоратни Ҳисоб палатаси ва прокуратура органлари амалга оширса, билвосита молиявий назоратни Президент, Ҳукумат ва Парламент амалга ошириши таъкидланди.

Бюджетнинг ташқи аудитини фақат уларнинг ижросини назорат қилиш билан кифояланмаслик кераклиги бевосита давлат ҳокимияти органлари, иқтисодиётнинг давлат сектори бўлинмалари фаолиятини баҳолаш, Конституция ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан аҳолига кафолатланган хизматларнинг кенг доирасини тақдим этиш, уларнинг нисбатларини баҳолаш каби муаммоларни ҳал қилиши кераклиги билан характерланади, деган илмий хулосага келинган.

Диссертант фикрича, бюджет ижросини назорат қилиш бўйича қонун чиқарувчи органларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– *бюджетлар, Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими ва бюджетдан ташқари жамғармаларининг ҳажми, тузилиши ва мақсади бўйича ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиши ҳамда амалга ошириши;*

– *бюджет маблағларини сарфлаш ва давлат мулкидан фойдаланиши самарадорлиги ҳамда мақсадга мувофиқлигини аниқлаш;*

– *Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари ва давлат бюджетидан ташқари жамғармалари бюджетларининг даромадлари ҳамда харажатларининг асослилигини баҳолаш;*

– *давлат бюджетлари томонидан қопланадиган харажатларни назарда тутадиган ёки уларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджетларининг шаклланиши ва ижросига таъсир кўрсатувчи қонун лойиҳаларини, шунингдек давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини молиявий экспертизадан ўтказиш;*

– *бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг молия-кредит муассасаларида ҳаракатланишининг қонунийлиги ҳамда ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш;*

– *бюджет ҳамда бюджетлараро муносабатлар соҳасидаги молиявий қонунбузарликларни аниқлаш ва бошқалар;*

– *бюджетнинг даромад қисмини ташкил этувчи давлат бюджетининг даромад қисмига солиқ, божхона ва бошқа тўловларнинг тузилишини таъминлаш.*

Давлат бюджети устидан парламент назоратини амалга оширувчи субъектларни таснифлашда турли хил ёндашувлар (М.Ю.Михеева, В.Э.Чиркин) таҳлили асосида давлат бюджети устидан парламент назоратини амалга оширувчи субъектларни жамоавий ва индивидуал субъектларга ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилган.

Шунингдек, давлат бюджети устидан парламент назоратини амалга оширишда парламент комиссиялари алоҳида ўринга эга ҳисобланади. Тадқиқот давомида хорижий давлатлар тажрибаси асосида давлат бюджети устидан парламент назорати субъектларига парламент комиссияларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ деган ёндашув илгари сурилди.

Ушбу бобда давлат бюджети устидан парламент назоратини амалга ошириш доирасида ташкилий масалаларга ёрдам берувчи девонлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилиниб, Олий Мажлис палаталарининг ҳар иккисида ташкил этилган девонларда бюджет фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқармалар фаолият юритиши таъкидланган. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Давлат бюджети бошқармаси ва Парламент юқори палатаси девони таркибида Давлат бюджети ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини таҳлил қилиш бошқармаси давлат бюджети устидан парламент назорати субъектлари ҳисобланмаслиги асослантирилган.

Диссертацияда давлат бюджети устидан парламент назоратининг объекти нуқтаи назаридан қонуности ҳужжати билан қабул қилинган давлат дастурлари таҳлил қилиниб, давлат дастурларини ижро этиш фаолияти ҳам парламент

назоратининг объекти ҳисобланиши илмий асослантирилган ҳолда, *давлат бюджети устидан парламент нazorатининг бошқа нazorат турларидан аниқ чегарасини белгилаш ва парламент нazorатига устуворлик бериш мақсадида “Давлат молиявий нazorат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш асослаб берилди.*

Парламентнинг асосий вазифаларига оид тадқиқотлар таҳлили асосида давлат бюджети устидан парламент нazorатининг объекти фақатгина амалдаги қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларини ижро этиш ҳамда давлат органларининг ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти билан боғлиқ эмас, балки давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ҳамда тасдиқлашга оид фаолият ҳисобланиши тўғрисида хулосага келинган.

Тадқиқотчининг фикрича, қонунчиликда белгиланган “давлат молиявий нazorатининг объектлари” тушунчаси унинг ҳуқуқий табиатини тўлиқ очиб бермаган. Шу сабабли, куйидаги муаллифлик таърифи илгари сурилди:

*“Давлат бюджети устидан парламент нazorатининг объекти деганда, давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш ва қабул қилиш, давлат органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти тушунилади”.*

Шунингдек, ҳуқуқий ва иқтисодий адабиётларда давлат маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш учун давлат бюджети устидан парламент нazorатининг ягона тизимини яратиш масаласи бир неча бор кўтарилган. Бу муаммонинг ечими сифатида Ўзбекистонда давлат молиявий нazorат концепциясини ишлаб чиқиш, унинг асосида давлат молиявий нazorатини такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш стратегиясини белгилаш лозим.

Диссертациянинг учинчи боби **“Давлат бюджети устидан парламент нazorатига оид хорижий мамлакатлар тажрибаси: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил”** деб номланиб, давлат бюджети устидан парламент нazorатининг халқаро ҳуқуқий асослари, Европа мамлакатлари амалиётида бюджетни парламент томонидан нazorат қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, АҚШ ва Канада парламентларининг бюджет нazorати фаолиятининг ҳуқуқий таҳлили каби масалалар тадқиқ этилган.

Диссертант таъкидлашича, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Парламентлараро иттифоққа парламентлар билан миллий даражада, жумладан, парламентлар имкониятларини кенгайтириш, хусусан, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини амалга ошириш учун бюджет маблағларини ажратиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Ихтиёрий миллий шарҳини тақдим этган ҳолда бу борада шаффоф ҳисобдорлик тизимини яратиш, норма ижодкорлиги жараёнига мазкур мақсад ва вазифаларни интеграциялаш долзарб вазифалар сирасига киради.

Мазкур бобда давлат бюджети устидан парламент назоратининг халқаро ҳуқуқий асосларини тадқиқ этган ҳолда қуйидаги ўзига хос жиҳатлар ажратиб кўрсатилган:

Биринчидан, барқарор ривожланиш бўйича юқори даражадаги сиёсий форумга ҳисобот тақдим этган давлатлар парламентлари, шунингдек сиёсатчилар ва экспертлар ўртасида фикр алмашиш, миллий бюджетнинг сарфланиши бўйича жамоавий ақлий мунозараларнинг халқаро даражада ташкил этилиши глобал барқарор ривожланишга ўтишда муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, БРМ кўрсаткичлари бўйича тадқиқотчиларнинг доктринал қарашларига кўра, глобал миқёсда барқарор ривожланиш учун рақамли инқилоб талаб этилади. Мазкур янгилик саноат, ҳукумат ва ташкилотлар билан кенг алоқалар ҳамда ҳамкорликни талаб қилиши, бу эса ўз ўрнида янги тадқиқот маданиятининг яратилишига асос бўлади. Шу боис, парламент бюджетга оид ваколатларини амалга оширишда халқаро ва миллий илмий ҳамжамиятлар билан мулоқот платформаларини йўлга қўйиш лозимлиги илгари сурилмоқда.

Учинчидан, парламентлар бюджет устидан назоратни амалга оширишда халқаро ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича алоҳида стратегик дастур ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Боиси, ушбу ташкилотлар томонидан юритиладиган рейтинг ва кўрсаткичлар ҳам бевосита БМТнинг БРМга таъсир кўрсатади.

Тўртинчидан, Парламентлараро тузилмалар давлат сиёсатининг (public policy) элементларини халқаро сиёсий жараёнга жорий қилишга имкон беради, бу эса уни ошқора ва жамоатчиликка тақдим этиш имконини беради. Давлатларнинг Парламентлараро Иттифок, Халқаро молия институти (INTOSAI), МДХ Парламентлараро Ассамблеяси ҳузуридаги учрашувларидаги иштирокининг самарадорлигини таъминлашда парламент қўмиталарининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш илгари сурилмоқда.

Диссертациянинг ушбу бобида Европа мамлакатлари амалиётида бюджетни парламент томонидан назорат қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш орқали бир қатор янги тенденциялар, илмий хулосалар ҳамда тақлиф ва тавсиялар илгари сурилган. Хусусан, давлат бюджети устидан тарихий таҳлил асосида айтиш мумкинки, 1215 йилдаги Эркинликнинг Буюк Хартиясига кўра, Қироллик Кенгаши розилигисиз бирор солиқ тури ундирилиши мумкин эмаслиги белгиланиши, қироллик харажатлари устидан назорат ўрнатилиши солиқ тўловчининг билвосита давлат бюджети устидан назорати вужудга келди.

Давлат бюджети устидан парламент назоратига оид доктринал қарашларга кўра, биринчидан, парламент назоратини амалга оширишга ваколатли органлар доираси белгиланиши, иккинчидан, давлат бюджети устидан парламент назорати тартибида жавобгарлик ва ҳисобдорлик субъектлари доираси аниқ ажратиб кўрсатилиши, учинчидан, айрим ҳолларда ижро этувчи ҳокимият органлари ва мансабдор шахслари ҳам давлат бюджети устидан парламент назорати субъекти сифатида келтирилиши илмий асослантирилган.

Давлат бюджети устидан парламент назорати бўйича Европа давлатлари тажрибасининг бир неча моделларини ажратиб кўрсатилди. Буюк Британиянинг “Вестминстер модели” ҳукумат ишини назорат қилиш Умум палатасининг асосий

функцияларидан бири ҳисобланади. “Германия-Австрия модели”га кўра, Федерал Молия вазирининг барча даромад ва харажатлар, шунингдек давлат мол-мулкининг ҳолати ва кейинги молиявий йил учун давлат қарзи тўғрисида ҳисоботлари ҳамда Федерал ҳисоб палатасининг ҳисоб-китобларни текшириш бўйича ҳисоботлари, шунингдек бюджет ва иқтисодиётни бошқариш рентабеллиги тўғрисидаги ҳисоботи асосида парламент томонидан давлат бюджети батафсил назорат қилинади.

Мазкур бобда давлат бюджети устидан парламент назорати бўйича энг кўп ислохотларни амалга ошириб келаётган Франция тажрибаси бўйича Парламент ва Ҳисоб палатаси ўртасидаги муносабатларни тизимлаштириш учун “Баҳолаш ва назорат қилиш миссияси” (МЕС) ислоҳоти ва Францияда “Молиявий Конституция” деб баҳоланган “Органик молия тўғрисида”ги Қонуни (La loi organique relative aux lois de finances) парламентнинг давлат бюджети устидан назорати бўйича фаолиятининг самарадорлиги юқори даражада эканлиги илмий асослантирилган.

АҚШда парламентнинг бюджет назорати фаолиятининг ҳуқуқий таҳлили асосида конституцияда мазкур институт тартибга солилмаганлиги унинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмасдан, аксинча, АҚШда Доимий қўмиталар, Махсус қўмиталар ва Тергов қўмиталари орқали самарали парламент назорати амалга оширилаётганлиги илгари сурилади. АҚШ конгрессида ташкил этилган 4 та янги тузилмадан 2 таси, яъни Бюджет бошқармаси, Бош аудит идораси бевосита давлат бюджети устидан назоратни таъминлашга қаратилгани билан фикрларни асослайди.

Муаллиф адабиётлар таҳлили асосида АҚШда бюджет назорати тадбирларини ўтказиш асосан жамоатчилик муҳокамасига таянади деган фикрга келади. Шунингдек, агар парламент аъзоларининг кўпчилиги (масалан, вакиллар палатаси) ва президент партияси бир хил бўлса, муҳолифат партиядан кўпчиликни ташкил қилган Сенат блокка қарши чиқиши мумкинлигидан келиб чиқиб, АҚШда Президент ва парламент асосан бошқа-бошқа партия вакиллари бўлиши салбий ҳолат деб баҳолайди

Тадқиқотчи Канадада коррупцияга қарши кураш бўйича қабул қилинган қонун “ҳукуматнинг масъулиятини тиклаш”га, шу жумладан парламент назоратини сезиларли даражада кучайтиришга қаратилган деб ҳисоблайди. Бу борада 13 та маъмурий ислохотлар ва 60 та норма ижодкорлиги ташаббусларини ўз ичига олган оламшумул ислохот натижасида Умумпалата томонидан либераллар ҳукуматига ишончсизлик вотуми билдирилган ҳамда самарали ва шаффоф парламент назорати вужудга келган.

Тадқиқот ишининг тўртинчи боби “**Давлат бюджети устидан парламент назоратига оид Ўзбекистон тажрибаси, ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш истиқболлари**” деб номланиб, унда бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни парламент томонидан кўриб чиқишнинг айрим жиҳатлари, давлат бюджети устидан парламент назорати соҳасидаги мавжуд муаммолар, парламентнинг давлат бюджети устидан назорат фаолиятига оид ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари таҳлил этилган.

Бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг парламент томонидан кўриб чиқиши борасида олимлар ва эксперт ҳамжамиятининг (А.Х. Саидов, Р.Р.Хақимов Э.Х.Халилов, Ҳ.Одилқориев, А.М.Лавров, М.К.Шерменев, О.В.Врублевская) илмий-назарий қарашлари таҳлили асосида бюджет ижроси тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

*«бюджет ижроси - бюджет жараёнининг бир қисми бўлиб, парламент томонидан тасдиқланган даромадлар параметрларига эга бўлганидан сўнг, ажратилган пул маблағ (ассигнация)ларига мувофиқ қўзда тутилган харажатларни амалга оширишидир. Мазкур жараён молиявий йил давомида амалга оширилади».*

Тадқиқот давомида давлат бюджетини шакллантириш ва унинг ижроси устидан назоратни олиб бориш ривожланган демократик мамлакатлар парламентлари фаолиятининг устувор йўналиши эканлиги эътироф этилиб, кўпчилик мамлакатларнинг конституциявий ҳуқуқи фундаментал нормаларига айланганлиги асослаб берилган.

Давлат бюджети лойиҳасини парламент томонидан муҳокама қилиш ва қабул қилиш механизмида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг кўмиталари (бюджет масалалари бўйича масъул кўмиталар бундан мустасно) ва комиссиялари, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялардан сайланган депутатлар фракциялари, айниқса, бевосита депутатлар ва сенаторлар фаол роль ўйнамайдилар. Шу сабабли, мазкур функцияни амалга оширишда фракциялар, кўмиталар, комиссиялар ва депутатларнинг ваколатини ошириш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолияти ва унга давлат бюджетига оид юкланган вазифаларни таҳлил қилган ҳолда ушбу давлат органи ривожланган демократик мамлакатларнинг назорат-тафтиш органлари фаолиятига мос келмайдиган тарзда фаолияти йўлга қўйилгани кўрсатиб берилган. Тадқиқотчи фикрича, ривожланган мамлакатларда Ўзбекистоннинг Ҳисоб палатасига ўхшаган назорат-тафтиш органлари парламентнинг давлат бюджети ижросининг самарадорлигини баҳолашда яқиндан ёрдам берадиган, керак бўлса, мазкур фаолиятни парламентнинг буюртмасига ёки унинг топшириғига биноан амалга оширадиган тузилма сифатида алоҳида мақомга эга саналади.

Шунингдек, тадқиқот ишида миллий парламент, жумладан, Сенатнинг иш тартибига Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш жараёнида Марказий банкнинг давлат бюджети маблағларидан самарали фойдалангани бўйича ҳисоботини ҳам эшитиш амалиётини жорий қилиш ва бунда унинг фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси ва у танлаган аудиторлик ташкилоти билан бирга текширув хулосаси асосида ўрганиш таклиф қилинади.

Диссертант ҳукумат ва ижро этувчи бошқа органларнинг сиёсий жавобгарлиги турларини парламент амалиётида қўллашни таъминлаш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларида уларни парламентнинг қайси назорат тадбири натижаси бўйича қабул қилишни аниқ-равшан кўрсатиб ўтишни таклиф қилади.

АҚШ ҳукумати томонидан тақдим этиладиган давлат дастурларини баҳолашнинг янги механизми (Program Assessment Rating Tool – PART) жорий қилингани ва ушбу механизмга мувофиқ, АҚШ Конгресси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар билан молиялаштириладиган давлат дастурлари ва лойиҳалар самарадорлигини махсус анкеталар ёрдамида 5 та рейтинг бўйича баҳолашнинг таҳлил қилган ҳолда миллий амалиётга қўйидаги шаклда жорий қилишни таклиф қилинган:

**Биринчи,** Ўзбекистонда ҳам Давлат бюджети устидан парламент назоратининг предмети сифатида ҳукуматнинг: Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Марказий банк, Молия вазирлиги ва бошқа ижро этувчи органлари томонидан Давлат бюджетининг самарали бажарилиши масаласи эътироф этилиши ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилиши лозим.

**Иккинчи,** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари – Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан молиявий назоратни амалга оширишда Давлат бюджети ҳамда унинг ижроси ҳолатига алоҳида шакллантирилган самара кўрсаткичлари (индикаторлар) асосида баҳо бериш таклиф этилади.

Диссертацияда давлат бюджети ижроси тўғрисидаги маълумотларда Давлат бюджетига фақатгина миллий манбалардан келиб тушган маблағларининг сарфланиши ҳақида ахборотлар кўрсатилади, бироқ мамлакатнинг ривожланиши учун расмий манбалардан олинган ёрдамлар, кредитлар ва халқаро грантларнинг миқдори ҳамда сарфланиши ҳақида маълумотлар мавжуд эмаслигини, бу эса парламент, унинг органлари ва бевосита депутатлар, сенаторлар Давлат бюджетининг ижроси ҳақида тўла маълумотларга эга бўлмасликлари, бюджет ижросининг самарадорлиги бўйича ўз муносабатларини шакллантира олишмаётганлиги асослаб берилган.

Бундан ташқари кенг қамровли бюджет ислоҳотлари амалга оширилган Буюк Британия, Янги Зеландия, Канада ва Швеция тажрибаси асосида парламентнинг давлат бюджети устидан назорат фаолиятига оид ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ажратиб кўрсатилади.

Илғор давлатлар тажрибаси кўрсатишича, соҳага оид ислоҳотлар, *биринчидан*, давлат бюджети билан боғлиқ давлат сиёсатини барча фуқаролар учун бюджетнинг янги тузилмаси орқали тушунарли бўлиши; *иккинчидан*, давлат бюджетининг натижадорлигига эришиш маданиятининг жорий этилиши; *учинчидан*, давлат бухгалтерия ҳисоби тизимини модернизациялаш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот ишида соҳага оид ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда илмий ишларнинг таҳлили асосида ўнта долзарб масалани ажратиб кўрсатиб, унинг асосий сабаби сифатида давлат бюджети ижроси устидан назорат тизимида Олий Мажлис ва маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари ўртасида давлат ҳокимиятининг тармоғига хос бўлган алоқалар (муносабатлар) шаклланиши, мазкур муносабатларнинг шаклланиши учун керак бўлган ҳуқуқий асослар яратилмаганлиги келтириб ўтилди.

## ХУЛОСА

Илмий тадқиқот иши натижасида қуйидаги хулоса, назарий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди:

### I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Парламент назорати тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифи берилди:

**«парламент назорати** – давлат назоратининг бир шакли бўлиб, парламент томонидан ижро ҳокимияти органи ҳамда мансабдор шахслар фаолиятини назорат қилиш ҳамда баҳолаш, унинг натижасида қонунлар ижросига тўсиқ бўлган ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этувчи чора-тадбирлар қўллаш орқали доимий амалга ошириладиган назорат туридир.»

2. Парламент ҳуқуқи доирасида парламентаризмнинг тушунчавий аппаратини илмий-назарий таҳлили асосида «давлат бюджети устидан парламент назорати» тушунчасининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: **давлат бюджети устидан парламент назорати** – парламент томонидан ҳукумат ва ижро ҳокимиятининг бошқа органлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан бюджет тўғрисидаги қонунларнинг самарали ижро этилишини назорат қилиш, шунингдек ушбу назорат натижасида қонунлар ижросига тўсиқ бўлган ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этувчи чора-тадбирлар қўллаш орқали доимий амалга ошириладиган назоратдир.

Ҳукумат ва ижро этувчи бошқа органларнинг Давлат бюджети ижросининг самарадорлик даражасини ҳар бир молиявий йил якуни бўйича парламент томонидан ривожланган демократик мамлакатларнинг қўйидаги асосий мезонларига: 1) аҳоли жон бошига тушадиган ялпи ички маҳсулот (ўтган молиявий йилга нисбатан ўсиш суръати); 2) давлат томонидан белгиланган истеъмол савати миқдори (ўтган молиявий йилга нисбатан ўсиш суръати); 3) давлат томонидан белгиланган яшашнинг минимал даражаси (ўтган молиявий йилга нисбатан ўсиш суръати); 4) давлат бюджети маблағлари эвазига молиялаштирилган лойиҳаларнинг якуний натижаси; 5) ҳар бир парламент аъзосининг сайлов округида яшаётган одамлар (сайловчилар)нинг ҳаётида рўй берган реал ўзгаришларга кўра баҳолаш таклиф этилди.

3. Замонавий парламентаризм назариясини янада ривожлантириш мақсадида:

- илмий-назарий таҳлиллар асосида парламентнинг молиявий (бюджет) назорати ҳуқуқий табиати очиб берилди, унинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш учун давлат молиявий назорат фаолияти мақсадларини ўрганиш етарли эмаслиги асослаб берилди;

- парламентнинг молиявий назорати молия соҳасида ягона давлат назоратининг бир қисми бўлиб, парламентнинг молиявий назорати, авваламбор, давлат бюджети ижросининг самарадорлиги устидан назорат бўлиб, у давлат молиявий назоратининг бошқа соҳаларидан (масалан, солиқ, валюта) қуйидаги параметрлар билан: биринчидан, объекти бўйича, иккинчиси – предмети бўйича;

учинчидан - субъектлар таркиби бўйича фарқ қилиниши илмий асослантирилган ҳолда кўрсатиб берилди.

Мазкур ғоялар парламент ҳуқуқи гносеологиясини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

4. Давлат бюджети устидан парламент назоратини амалга оширувчи субъектларни жамоавий ва индивидуал субъектларга бўлган ҳолда ўрганиш таклиф этилади.

5. Парламент ҳуқуқи ва молиявий ҳуқуқ фанларида тушунчавий аппаратига оид назарий қарашларни янада ривожлантириш мақсадида «давлат молиявий назорати объектлари» ва «давлат бюджети устидан парламент назорати объекти» тушунчаларига муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

**«давлат молиявий назорати объектлари — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, бюджет маблағларини тақсимловчилар, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар, давлат мақсадли жамғармалари, белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалар ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларини ижро этиш ва амалга ошириш фаолияти»;**

**«Давлат бюджети устидан парламент назорати объекти - давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш ва қабул қилиш, давлат органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти».**

Бунда Давлат бюджети устидан парламент назоратига оид илмий-назарий қарашлардан келиб чиққан ҳолда, мазкур назорат объектларнинг *иккита турга* ажратиш таклиф этилади:

1) давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш фаолияти;

2) давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти.

6. Миллий парламентаризм назариясини бойитиш мақсадида Ўзбекистонда давлат бюджети устидан парламент назоратининг ҳуқуқий асослари тарихий-ҳуқуқий метод асосида илмий тадқиқ этилди, мазкур асосларнинг ривожланиш босқичлари шаклланиш мезони асосида даврлаштирилди.

7. Замонавий парламентаризмнинг тенденциялари илмий тадқиқ этилиб, айнан парламент назорати институтига ҳос бўлган жиҳатлари илмий-назарий нуқтаи назаридан очиқ берилди. Мазкур жиҳатлар сирасида давлат бюджети устидан парламент назоратининг ҳуқуқий жиҳатлари, ҳаракат доираси ва мезонларини белгилаб берувчи махсус принциплари, амалга ошириш механизми эканлиги асослаб берилди.

8. Замонавий парламентаризмнинг концепцияларини янада ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистонда Давлат бюджети устидан парламент

назорати давлат молиявий назоратининг ажралмас элементи эканлиги, миллий давлат молиявий назорати тизими ҳозирги кунда модернизациялаш ва халқаро молия стандартларига мувофиқлаштирилишга муҳтож эканлиги тўғрисидаги ғоя илмий-назарий асослангирилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев эълон қилган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида *Ўзбекистонда молиявий назоратни ривожлантириш концепциясининг* илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш лозим деган фикр илгари сурилмоқда.

9. Миллий парламентаризмнинг илмий-назарий асосларини бойитиш мақсадида Давлат бюджети ижроси устидан парламент назоратини таъсирчан амалга оширишнинг *асосий шартлари* илмий-амалий асослаб берилди. Мазкур шартлар сифатида: парламент назорати ҳукуматнинг давлат бюджетини ижроси фаолияти аниқ институционал ва иқтисодий шароитларда амалга оширилиши, бунинг учун парламентлар ижро этувчи ҳукуматларнинг молиявий режалари ва якуний натижаларини текшириши учун етарли даражадаги манбалар ва ахборот базасига эга бўлиши; ижро этувчи ҳокимиятларнинг молиявий фаолияти маъмурий контекстда бўлиши, яъни ижро этувчи органлари учун ўрнатилган ягона маъмурий процедураларга мувофиқ амалга оширилиши лозимлиги асослаб берилди.

10. Миллий парламентаризмнинг илмий-назарий асосларини ривожлантириш замонавий парламентаризмнинг концепциялари ва илмий доктриналари асосида амалга ошириш зарурлигини таъкидлаб, Давлат бюджети устидан парламент назоратининг халқаро-ҳуқуқий асослари илмий-назарий нуқтаи назаридан тадқиқ этилди, бунинг ижобий тенденциялари илмий асослаб берилди.

11. Парламентаризм назариясини янада кенгайтириш мақсадида Европа мамлакатлари амалиётида бюджетни парламент томонидан назорат қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш орқали бир қатор янги тенденциялар, илмий хулосалар ҳамда таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

12. Давлат бюджети устидан парламент назоратига оид доктриналар қарашларни ривожлантириш мақсадида, биринчидан, парламент назоратини амалга оширишга ваколатли органлар доираси белгиланиши, иккинчидан, давлат бюджети устидан парламент назорати тартибида жавобгарлик ва ҳисобдорлик субъектлари доираси аниқ ажратиб кўрсатилиши, учинчидан, айрим ҳолларда ижро этувчи ҳокимият органлари ва мансабдор шахслари ҳам давлат бюджети устидан парламент назорати субъекти сифатида бўлиши мумкинлиги илмий асослаб берилди.

13. Конституциявий ҳуқуқ доирасида тадқиқ этилаётган замонавий парламентаризм назариясини янада кенгайтиришга ҳисса қўшиш мақсадида Давлат бюджети устидан парламент назорати бўйича Европа давлатлари тажрибаси қиёсий-ҳуқуқий метод асосида илмий ўрганиб чиқилди ва унинг бир неча моделлари (масалан, «Вестминстер (Буюк Бритъания) модели», «немис (Германия-Австрия) модели», «французча модель», «америка-канада модели» ва х.з.) мавжудлиги илмий асослаб берилди.

14. Парламент ҳуқуқига оид илмий манбалар таркиби бўйича назарияни тўлдириш мақсадида Ўзбекистонда Давлат бюджети лойиҳасини парламент томонидан муҳокама қилиш ва қабул қилиш механизмнинг ҳуқуқий асослари

илмий тадқиқ этилди, мазкур асослар уларнинг предмети нуқтаи назаридан гуруҳлаштирилди.

15. Давлат бюджети лойиҳасини парламент томонидан муҳокама қилиш ва қабул қилиш механизмини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар, уни ташкил этувчи қонун ҳужжатлари бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб туради деган илмий хулосага келинди. Бу эса мазкур механизмнинг барқарорлигини таъминлайди деган илмий ғоя илгари сурилмоқда.

16. Парламент ҳуқуқи ва молия ҳуқуқини бойитишга ҳизмат қиладиган «бюджет ижроси» тушанчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: «**бюджет ижроси** - бюджет жараёнинг бир қисми бўлиб, парламент томонидан тасдиқланган даромадлар параметрларига эга бўлганидан сўнг, ажратилган ассигновацияларга мувофиқ кўзда тутилган харажатларни амалга оширишдир. Мазкур жараён молиявий деб номланган йил давомида амалга оширилади».

## **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджети кодексини янги таҳрирда қабул қилиш таклиф этилди. Бюджет кодексининг янги таҳрири давлат молиявий назоратининг ўзига хос шакллари, усуллари ва объектларини ўз ичига олиши, бюджет маблағлари ажратилиши самарадорлиги мезонларини белгилаши керак. Амалдаги бюджет қонунчилигига тузатишлар, умуман олганда, давлат молиявий назорат тизимини Халқаро олий назорат органлари INTOSAI ташкилоти томонидан ўрнатилган тамойиллар ва стандартларга мослаштириши муҳим аҳамиятга эга эканлиги асослаб берилди.

2. Давлат бюджети устидан парламент назоратининг бошқа назорат турларидан аниқ чегарасини белгилаш ва парламент назоратига устуворлик бериш мақсадида «**Давлат молиявий назорат тўғрисида**»ги Қонунни қабул қилиш жараёнини тезлаштириш лозимлиги таклиф этилди. Қонун лойиҳасида давлат молиявий назоратини ташкил этиш қўйидаги жиҳатлари белгиланиши лозимлиги таклиф этилди:

- миллий қонун ҳужжатларида белгиланган қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларининг молиявий назорат функциялари ва ваколатларини аниқ белгилаш;

- давлат молиявий назорати органлари ва давлат молиявий назоратининг ҳудудий органлари ўртасидаги вазифалар ва ваколатларни чегаралаш;

- давлат молиявий назорат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг назорат объектларидан функционал, ташкилий, шахсий ва молиявий мустақиллиги;

- давлат молиявий назорати органлари фаолиятининг такрорланишини бартараф этиш ва бошқарувнинг барча даражаларида давлат молиявий назоратининг ягона тизимини таъминлаш мақсадида фаолиятини мувофиқлаштириш.

3. Давлат бюджети устидан парламент назоратини амалга оширишнинг барча жиҳатларини қамраб олиш нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига қўйидаги ўзгартириш таклиф этилди:

«Қонунчилик палатаси, Сенат Давлат бюджетининг ижроси устидан дастлабки, жорий ва якуний назоратни амалга оширади».

4. Давлат бюджетини дастлабки тарзда кўриб чиқишда нафақат бюджет кўмитаси балки бошқа кўмиталарнинг иштироки ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси регламентининг 162-моддаси 1-бандини қуйидаги таҳрирда ўзгартириш таклиф этилди:

«Давлат бюджети лойиҳаси уни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ҳамда фикрлар ва таклифлар ишлаб чиқиш учун Қонунчилик палатасининг Спикери томонидан Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасига, кўмиталарга ва фракцияларга топширилади.»

5. Давлат бюджети устидан парламент назорати субъектларига парламент комиссияларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасининг 4 ва 5-бандларини қуйидаги тарзда ўзгартириш таклиф этилди:

«Қонунчилик палатаси, Сенат Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни тегишинча фракцияларда, Олий Мажлис палаталарининг кўмиталари ва комиссияларида дастлабки тарзда муҳокама қилиш асосида кўриб чиқади.

Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги масалани дастлабки тарзда муҳокама қилиш давомида фракциялар, Олий Мажлис палаталарининг кўмиталари ва комиссиялари Давлат бюджетининг даромад қисми ижроси хусусида, ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиш ҳолати тўғрисида тегишли органлардан қўшимча ахборотни, шунингдек уларнинг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиши мумкин. Бунда фракциялар, Сенат аъзолари жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини Олий Мажлис палаталарининг тегишли кўмиталари томонидан ўрганиш ташаббуси билан чиқиши мумкин».

6. Давлат бюджетининг ижросига оид маълумотлар кенг жамоатчилик томонидан танишини таъминлаш мақсадида парламент палаталарига келиб тушган ва уларнинг масъул кўмиталарида муҳокама қилиш учун тайёрланадиган Давлат бюджети лойиҳаси ва унинг ижроси ҳақидаги барча маълумотларни очик манбаларда жойлаштириш талабини Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»ги (20, 31-моддаларида) ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида»ги қонунларида (16, 32<sup>10</sup>-моддаларида) мустаҳкамлаб қўйиш таклиф этилади.

7. Давлат бюджети устидан парламент назоратининг предмети масаласига аниқлик киритиш мақсадида, *биринчидан*, Ўзбекистонда ҳам Давлат бюджети устидан парламент назоратининг предмети сифатида ҳукуматнинг: Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Марказий банки, Молия вазирлиги ва бошқа ижро этувчи органлари томонидан Давлат бюджетини самарали бажарилиши масаласи эътироф этилиши ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилиши лозим. *Иккинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари – Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан молиявий назоратини амалга

оширишда Давлат бюджети ва унинг ижроси аҳволига алоҳида шакллантирилган самара кўрсаткичлари (индикаторлар) асосида баҳо бериш таклиф этилади. Бунда ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан фойдаланиш тавсия этилади.

8. Ҳукумат ва ижро этувчи бошқа органларнинг сиёсий жавобгарлиги турларини парламент амалиётида қўллашни таъминлаш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларида улар парламентнинг қайси назорат тадбири натижаси бўйича қабул қилишни аниқ-равшан кўрсатиб ўтиш таклиф этилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида тўртинчи ва бешинчи қисмларини қўйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

«Бош вазирнинг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича Қонунчилик палатаси, Сенат қарор қабул қилади, унда ҳукуматнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалаларига доир фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган, шу жумладан, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми, ҳукумат аъзоларидан бирини истеъфога чиқариш таклифлари бўлиши мумкин.

Бош вазирнинг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарори Вазирлар Маҳкамасига, агарда мазкур қарорда Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми, ҳукумат аъзоларидан бирини истеъфога чиқариш таклифлари бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади».

9. Ўзбекистонда Давлат бюджети ижроси устидан парламент назорати доирасини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасини қўйидаги таҳрирдаги янги биринчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва ҳудудий бўлимлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг солиқ сиёсатининг самарадорлиги нуқтаи назаридан ҳисоботларни ҳар чорак, ярим йил ва йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва маҳаллий вакиллик органига тақдим этадилар».

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан Марказий банкнинг йиллик ҳисоботини эшитишдан олдин, унинг фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси ва у танлаган аудиторлик ташкилоти билан бирга текширса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси иккинчи қисмига «аудиторлик ташкилотининг» деган сўзларни «Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатасининг» сўзлари билан алмаштириш таклиф этилади.

11. Давлат бюджетининг ижросини акс эттирувчи ва ижро этувчи органлари томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати, Давлат бюджетининг ижроси қайси параметрлари ва қайси мезонларга асосан баҳоланиши қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилмаган. Бунинг натижасида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки Молия вазирлиги томонидан Олий Мажлиси палаталарига юбориладиган Давлат бюджети ижросига оид материаллар, улардаги асосий қоидаларни ва статистика маълумотларини мазкур органларнинг ўзлари белгилайди. Бу ҳолат Давлат бюджети лойиҳасини

парламент томонидан муҳокама қилиш ва қабул қилиш механизмини чегаралайди, унинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини пасайтиради. Мазкур ҳолатни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси регламенти тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасида:

1) *биринчи қисмини* қўйидаги таҳрирдаги учинчи хатбоши билан тўлдириш:

«Мазкур ахборотнинг тузилмаси ва зарур материалларнинг рўйхати бўйича Қонунчилик палатасининг фракциялари, қўмиталари, комиссиялари ва бевосита депутатларнинг сўровлари Вазирлар Маҳкамасига келиб тушса, улар ўзгартирилиши ва кенгайтирилиши лозим»;

2) *иккинчи қисмини* қўйидаги таҳрирдаги биринчи хатбоши билан тўлдириш: «Давлат бюджетининг ижроси Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилишидан олдин Қонунчилик палатаси Кенгаши Қонунчилик палатасининг фракциялари, қўмиталари, комиссиялари ва депутатларнинг таклифлари асосида Давлат бюджетининг ижроси самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва асосий кўрсаткичларни ишлаб чиқади ва барча фракциялар, қўмиталар, комиссиялар ва депутатларга тақдим этади.»;

3) *иккинчи қисмида* «фракцияларнинг» сўзини кейин «фракциялари, қўмиталари, комиссиялари ва депутатларнинг» сўзлари билан алмаштириш;

4) *тўртинчи қисмини* «қўмиталарнинг» сўзидан кейин «ва комиссияларида» сўзлари билан тўлдириш;

5) *бешинчи қисмини* «қўмиталари» сўзидан кейин «комиссиялари ва депутатлар» сўзлари билан тўлдириш;

6) *олтинчи қисмини* «қўмиталарида» сўзидан кейин «ва комиссияларда» сўзи билан тўлдириш;

7) *олтинчи қисмини* қўйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдириш таклиф этилади:

«Қонунчилик палатасининг мазкур қарорида Давлат бюджетининг ижроси ва Вазирлар Маҳкамасининг фаолияти самарадорлигига берилган баҳоси акс эттирилади.»

12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг регламенти 33-моддасини қуйидаги банд билан тўлдириш таклиф этилади:

«Давлат бюджетининг муҳокамаси натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

Давлат бюджетини қабул қилиш тўғрисида;

Давлат бюджетини рад этиш тўғрисида».

13. Ўзбекистон Республикаси «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига кўра, парламент назорати муҳим шакли сифатида Сенат ҳам давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш белгиланган. Яъни, Сенат давлат бюджетининг ҳар чорақдаги ва йиллик ҳисоботини кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилиши белгилаб ўтилган. Лекин, мазкур йиллик ҳисоботни кўриб чиқиш тартиби регламент доирасида белгилаб ўтилмаган. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг регламентида ҳар чорақдаги ва йиллик ҳисоботини кўриб чиқиш ва жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини тегишли қўмита томонидан ўрганиш тартиботи белгилаб қўйилиши лозим.

14. Ўзбекистон Республикаси «Парламен назорати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига 6-бандига қуйидаги ўзгартириш киритиш таклиф этилади:

«Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот фракцияларда, Олий Мажлис палаталарининг қўмиталарида муҳокама қилинганидан кейин Олий Мажлис палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилади ҳамда Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарори билан тасдиқланади. Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарори билан давлат бюджети ижроси бўйича аниқланган камчиликлар юзасидан ҳукуматга тегишли мажбуриятлар юклаши мумкин».

15. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (INTOSAI) томонидан қабул қилинган халқаро стандартларини ўқитиш бўйича халқаро ва миллий мутахассислар иштирокида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқот институтида қисқа ўқув курсларини ташкил этиш.

16. Давлат бюджети устидан парламент назоратига оид фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаш, бюджет интизомига оид сўнгги тенденцияларни мунтазам кузатиб бориш учун тор доирадаги мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда ҳуқуқшуносликдан ташқари молия-иқтисодиёт, ахборот технологиялари, социология каби соҳаларда мутахассислардан иборат “ақл маркази”ни ташкил этиш.

17. Давлат бюджети лойиҳасини онлайн муҳокама қилиш ҳамда давлат бюджети устидан парламент назоратини амалга ошириш учун миллий платформа тизимини ишга тушириш.

**SCIENTIFIC COUNCIL No. DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02  
FOR AWARDING SCIENTIFIC DEGREES  
AT TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW**

---

**TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW**

**YUSUPOV SARDORBЕК BAHODIROVICH**

**IMPROVING THE ORGANIZATIONAL AND LEGAL BASIS OF  
PARLIAMENTARY CONTROL OVER THE STATE BUDGET**

12.00.11. – Parliamentary law

**DOCTOR OF LEGAL SCIENCE (DSC) DISSERTATION ABSTRACT**

**The theme of the doctoral dissertation (DSc) was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2021.2.DSc/Yu163.**

The dissertation has been prepared at Tashkent State University of Law.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English, Russian (summary)) on the website of the Scientific Council (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) and Information and educational portal «ZiyoNET» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Scientific advisor:**

**Khakimov Rahim Rasuljonovich,**  
Doctor of Science in Law, Professor

**Official opponents:**

**Tursunov Akhtam Salomovich,**  
Doctor of Science in Law, Professor

**Kutibaeva Elizaveta Duysenbayevna,**  
Doctor of Science in Law, Professor

**Yakubov Shuhrat Ummatalievich,**  
Doctor of Science in Law, Professor

**Leading organization:**

Institute of Legislative Problems and  
Parliamentary Research under the Oliy  
Majlis of the Republic of Uzbekistan

The defense of the dissertation will be held on April 28, 2022 at 15:00 at the Session of the Scientific Council No. DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 at Tashkent State University of Law (Address: 100047, Sayilgokh street, 35. Tashkent city. Phone: (998) 71-233-66-36; Fax: (998) 71-233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

The dissertation is available at the Information Resource Center of Tashkent State University of Law (registered under No.1044 ), (Address 100047, Amir Temur Street, 13. Tashkent city. Phone: (998) 71-233-66-36).

The abstract of the dissertation was distributed on April 14, 2022.

(Registry protocol No. 2 On April 14, 2022)

**I.R.Bekov**

Deputy Chairman of the the Scientific  
Council for awarding scientific degrees,  
Doctor of Science in Law, Professor

**B.A.Narimonov**

Secretary of the Scientific Council for  
awarding scientific degrees, Doctor of  
Philosophy in Law (PhD)

**Sh.A. Saydullaev**

Deputy Chairman of the Scientific Seminar  
under the Scientific Council for awarding  
scientific Degrees, Candidate of Law,  
Professor

## INTRODUCTION (abstract of DSc thesis)

**The actuality and relevance of the dissertation theme.** The socio-political processes taking place in the world, it is relevant to the full implementation of the principle for the sole source of power of the people in the activities of the national parliament, ensuring transparent parliamentary control over the formation and spending of the budget. Strong parliamentary oversight is recognized by the international community as an important condition for the country's development. In the UN General Assembly Resolution No. 72/278 on Cooperation between National Parliaments and the Inter-Parliamentary Union of the United Nations, adopted on 22 May 2018, the implementation of national plans and strategies also recognized the role of national parliaments in ensuring transparency and accountability at the national and global levels<sup>5</sup>. On the basis of this international document, methodological recommendations have been developed for states on strengthening inter-parliamentary relations, ensuring transparency and openness in parliamentary activities, effective use of modern methods for parliamentary control.

Conducting research is of great practical importance in order to increase the effectiveness of the control of parliamentarians in the world, to determine their rights and responsibilities, to ensure parliamentary control, the government's responsibility to the parliament on budget execution and its effective use, the introduction of digital technologies in this sphere. This phenomenon is one of the conditions for the effectiveness of public authorities, the consistency of the entire state mechanism, the prevention of violations of human and civil rights and freedoms, the implementation of constitutional rules and existing legislation as an important basis of parliamentarism. Therefore, improving the organizational and legal aspects of issues such as ensuring the national interests of parliament, strengthening its role as a representative body of the people, increasing the activity of deputies as a subject of parliamentary control is being studied as an important sphere of research.

In our country, systematic works are carried out in improving the parliamentary activity as a supreme state representative body in accordance with modern requirements, in the framework of the "e-parliament" to connect deputies with their constituents, senators with citizens of the regions, to communicate directly with them, digitize the process of discussing and resolving issues that bother voters, ensuring transparency and openness in the exercise of parliamentary oversight, in particular ensuring the active participation of deputies in the development of the draft state budget. The priority task of strengthening chambers' position of the Oliy Majlis in the system of state power, ensuring their competence in solving important tasks related to domestic and foreign policy is defined in issues as "Approval of the state budget and implementation of the procedure for setting specific strategic tasks to the responsible organizations by the parliament within the framework of control over its

---

<sup>5</sup> UN General Assembly Resolution No. 72/278 on Cooperation between National Parliaments and the Inter-Parliamentary Union of the United Nations, adopted on 22 May 2018 // URL: <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/>

implementation and sending a request to them depending on the result”<sup>6</sup>, and these tasks determine the actual improvement of legislation in this field on the basis of international standards.

The dissertation research will serve to implement the Constitution of the Republic of Uzbekistan (1992), Constitutional Laws “On the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan” (2002), “On the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan” (2002), laws “On the Status of a Deputy of the Legislative Chamber and a Member of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan” (2004), “On Parliamentary control” (2016), as well as the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-60 “On the development strategy of the new Uzbekistan for 2022-2026”, adopted on January 7, 2022, and other relevant legislative acts.

**The dependence of the research on the priority spheres of development of science and technologies in the country.** This research was carried out in the first of the priority directions of the development of science and technology of the republic, namely I. “Formation of a system of innovative ideas and ways to implement them in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of an informed society and a democratic state”.

**Review of foreign scientific-research on the theme of dissertation**<sup>7</sup>. Research on parliamentary control over the state budget is conducted in the world’s leading research centers and higher education institutions, including Boston University, University of Cambridge, Harvard University, Washington University, New York University, The University of Chicago, (USA), Humboldt-Universität zu Berlin, München Universität, Frankfurt Universität (GFR), University of Queensland (Australia), University of Oxford, Newcastle University, Queen Mary University of London, University of Cambridge (UK), Université Toulouse (France), University of Toronto (Canada), Seoul National University (Republic of Korea), University of Zurich (Switzerland), Peking University (China), Moscow State Law University, Moscow State University, Moscow State Institute of International Relations (Russia), Institute of Legislative Problems and Parliamentary Research under the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, Tashkent State University of Law (Uzbekistan).

A number of scientific and theoretical results have been obtained as a result of research on the functions of parliamentary control, state and public control over the budget, parliamentary control over the state budget including: the conceptual apparatus of parliamentary control and parliamentary financial control has been extensively studied by scholars at Boston University, University of Cambridge; methods of parliamentary budget control are perfectly developed by scientists and researchers from

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон

